

Аллоҳ рибони ҳаром қилган



11:10 / 17.09.2019 2970

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَبِيعُوا

الرِّبَا وَأَحْلَ

«...Аллоҳ савдони ҳалол ва рибони ҳаром қилган», деган («Бақара» сураси, 275-оят).

Шарҳ: Биз «савдо» деб таржима қилган сўз араб тилида «байъ» дейилиб, луғатда ўзаро бир нарсани алмаштиришни англатади.

Шариатда эса бир молни иккинчи бир молнинг муқобилига рози бўлиб қабул қилиб олишга «байъ» деб айтилади.

Қисқа қилиб айтганда, «савдо» сўзи «тижорат» сўзидан кўра умумийроқ бўлиб, бугунги куннинг истилоҳида «бозор иқтисоди» маъносига яқинроқ келади.

«Аллоҳ савдони ҳалол ва рибони ҳаром қилган».

Чунки тижоратда фойда кўришнинг ҳам, куйиб қолишнинг ҳам эҳтимоли бор. Тижоратда инсоннинг меҳнати, маҳорати, атрофдаги табиий ҳолатлар фойда кўриш ёки зарар топишга бевосита таъсир кўрсатади. Савдогар фойда кўришга умид қилгани ҳолда куйиб қолишни ҳам бўйнига олиб иш бошлайди. Ҳаражат қилиб, одамларга керакли молларни олиб келади, сақлайди ва бошқа хизматларни қилади.

Судхўр-чи? У ҳеч нарса қилмай, жойида ўтиради. Нима бўлишидан қатъи назар, фойда олиши муқаррар. Куйиб қолиш хавфи йўқ.

Мазкур сабабларга ва яна зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра, тижорат билан шуғулланиш инсон учун ҳалол, судхўрлик эса ҳаром қилинган.

Аллоҳ таолонинг савдони шариатга киритиши, Қуръонда унинг ҳукмини баён қилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уни ҳаётга татбиқ қилишлари ва кўплаб ҳадислар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсатишлари бежиз эмас. Чунки савдо инсонларнинг бир-бирлари билан муомалаларининг бу дунёдаги асосий жабҳаларидан бири ҳисобланади. У тўғри низомга солинмаса, инсон ҳаётини тартибга солиб бўлмайди.

Чиндан ҳам инсон ёлғиз ўзи яшай олмайди. У ўзига ўхшаш бошқа инсонлар билан яшайди. Бошқалар билан яшагач, улар билан муомалада бўлиши, нарсаларини айирбошлаши, олди-берди қилиши керак. Агар бу муомалалар тартибга солинмай, одамларнинг ўзларига ташлаб қўйилса, кучли кучсизни, ақлли ақли озни алдаши, ҳаққини поймол қилиши турган гап.

Мўминларнинг барчаси учун мазкур иқтисодий муомалалар одоби уларнинг барчаларини яратган, уларга ризқ бераётган ва охиратда ҳар бирларини ҳисоб-китоб қилиб, қилмишига яраша жазо ёки мукофот берадиган Зот – Аллоҳ таоло томонидан жорий қилингандагина айни адолат бўлади, бировга заррача зулм қилинмайди. Ана шу илоҳий кўрсатмаларга амал қилиш орқали тинчлик ва осонлик билан мурудга етилади.

Энг муҳими, бу муомалалар ибодатга айланади, бу дунёда топилган ризқнинг ҳалол ва баракали бўлиши таъминланади. У дунёда эса шунга

яраша ажру савоб, мақому мартабага эришилади, иншааллоҳ.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди.